

## ВАТАН ТУЙҒУСИ

Ubaydullayev Saidakbar Saydaliyevich

*Farg`ona davlat universiteti harbiy ta`lim fakulteti 2 bosqich talabasi*

Ватан шундай муқаддаски, у инсон руҳий оламида қуёш каби ёрқин порлайди. Танга қувват, руҳга роҳат, умрга мазмун бағишлайди. Бу - азиз Ватан сўзи Ўзбекистондир. У табаррук Она сўзи билан яқин қардош турларидир.

Дунёда она битта, Ватан ягона бўлади. Бу тушунча одамзодга қоронғуликда адашганларга йўлчи юлдуздек.

Ватан ҳақида минг йиллар давомида Шарқ ва Ғарб олимлари меҳр-муҳаббат билан ёзганлар. Болалигимиздан бизга таниш, кўзга ва қалбга яқин уйимиз, мактабимиз, шаҳримиз боғлари, майдон ва хиёбонлари, қишлоғимиз тоғу-тош адир ва қирларию осмон ўпар чўққилари ҳам ватандир...

Ўзбекистон халқининг миллий тараккиёти йўлидаги бош ғояси-озод ва обод ватанда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этишдир. Бу ғоя халқимизнинг азалий эзгу интилишларидир, бунёдкорлик фаолиятининг маъно-маъзmunини белгилайди. Ҳар бир инсон учун муқаддас бўлган юксак маданий қадриятларни ўзилда мужассам этади.

Миллий истиқлол мафқурасининг бош ғоясида озодлик тушунчасининг устивор етакчи уринда туриши Ватан мустақиллиги барча орзу- интилишларимиз, амалий фаолиятимиз ва ёруғ келажагимизнинг асоси эканидан далолат беради.

Ватан - инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камол топтирадиган, ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган табаррук маскандур.

У аждодлардан авлодларга қоладиган буюк мерос, энг азиз хотира. Ватан-ота-боболаримизнинг хоки-поқлари жой бўлган, вақти соати етиб ҳар биримиз бош қўядиган муқаддас заминдир.

Ватани бор одамнинг ғурур-ифтихори юксак, мақсад-мудоалар аниқ бўлади. Тоғдек таянчи ватани борлигини ҳис этган инсон ҳаётнинг ҳар қандай синовлардан бардош билан енгиб ўтади.

Ватаннинг равнақи, аввало, унинг фарзандлари камолига боғлиқ. «У эса ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолати учун юксак масъулиятни ҳис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу халқ манфаатлари билан уйғунлаштириб яшашга даъват этади.

Миллий ғоя ҳеч қачон Ватандан ташқарида илдиз отмайди ва ривожланмайди. Ватаннинг равнокига ҳизмат қилмайдиган ғоя ҳеч қачон миллий ғоя була олмайди. У Ватан равнақини белгилаб берадиган тамоилларини ўзида акс эттирсагина куч-қудратига айланада.

Бугунги кунда жамиятимизда тадбиркорлик, эркин иқтисодий фаолият кенг ривожланаётгани, давлатимизнинг иқтисодий қудрати ортаётгани, халқимизнинг маънавияти бойиб, илм-зиё салоҳияти юксалаётган Ватан равнақини асоси бўлади.

Бу ўзгаришлар жараёнинг устивор хусусияти-халкимизнинг бунёткорлик фаолиятидир. Бунда ана шу бунёткорлик солоғиятини тула юзага чиқариш, иктисодиётни илғор технологиялар асосида модернизация қилиш, ёшларимизни соғлом ва барқомол қилиб вояга етказиш ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Юрт тинчлиги-бебоҳо неъмат, улуғ саодатдир. Башарият уз тараккиётининг барча босқичларда, аввало, тинчлик - тотувликка интилиб келган. Юрт тинчлиги – барқарор тараккиёт гарови.

Ўзбек халқи тинчлигини юксак қадирлайди, уни ўзи орзу-интилишлари, мақсад-муддаолари руёбга чиқишнинг қафолати деб билади. Холбуки, башарият фақат тинчлик ва осойишталик барқарор бўлган тақдирдагина уз олий мақсадларига эришади, моддий ва маънавий юксакликка кутарилади.

Соҳибқирон Амир Темурнинг набираси Мирзо Улуғбек Мавароуннаҳрга ҳуқумронлик қилган қирқ йил мобойнида мамлакатда тинчлик – барқарорлик устивор бўлгани сабабли илм-фан, маданият юксак тараккий этган. Бунёткорлик ишлари ривожланган, қўхна заминимиз гуллаб-яшнаган.

Юрт тинчлиги Ватан озодлиги ва мустақиллиги билан чамбарчас боғлиқдир. Бировга қарам бўлган халқ ҳеч қачон ва фаровон яшай олмайди. Шунинг учун ҳам мустақиллик ва тинчликни асраш, мамлакатимизни тажавускор қучлардан ҳимоя қилиш доимо тайёр туришимиз лозим.

Юксак маънавият, сиёсий маданият, миллатнинг ғоявий ва мафкуравий етуқлиги юрт тинчлигини сақлашнинг муҳим омилидир. Халкимиз учун азал-азалдан муқаддас бўлган ғоя жамияти турлича фикр ва қарашга эга бўлган барча қуч ва ҳаракатларни бирлаштиришга ва шу орқали миллий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳатларнинг Олий мақсади-халкимизга мансуб турмиш шароитини яратишдан иборат. Яъни ислоҳат ислоҳат учун эмас, инсон учун, унинг фаровон ҳаёти учун хизмат қилиши керак. Жамиятимиздаги ҳар қандай янгиликни, ҳар қандай ўзгариш моҳиятида ана шу эзгу мужассамдир.

Бу ҳаракатни одамлар онгига сингдириш, кенг аҳоли қатламларининг ислоҳатлари моҳиятини англаб етишга ва унинг фаол иштирокчисига айланишга эришиш зарур. Бунинг учун эса уларнинг дунёқарашини, ҳаётга, меҳнатга, ерга муносабатини тубдан ўзгартириш муҳим аҳамиятга эга. Чунки фаровон турмуш асоси—эркинлик, тадбиркорлик ва ташаббускорлик.

Шунинг учун халкимизнинг мулкка эгаллик ҳиссасини тарбиялаш, ҳужалик юритишнинг замонавий усуллари узлаштириш, уз қучига ишонч туйғуларини қамол топтириш миллий мафкураимизнинг вазибаларига қиради.

Табиий бойликлар, ер ресурслари, мамлакатимизнинг иктисодий салоҳиятини ҳар бир фуқаронинг эҳтиёжларини қондириш, ўзлигини намоён этиш ва бунёдкорлик қобилиятини руёбга чиқаришнинг асосий заминидир.

Ўзбекистон халқидек меҳнатқаш, миришқор, ишнинг қўзини биладиган халқ уз турмушини ўз қўли билан фаровон қилишга қодир. Миллий истиклол мафкурааси моҳияти эътибори билан фуқороларимизда ҳар қайси инсон ва оила бадавлат бўлса,

жамият ва давлат ҳам кучли ва кудратли булади, деган тушунчани тарбиялашга хизмат килмоғи лозим.

Хуллас, “Ватанпарвар”лик бу ҳар бир инсонинг ўз юртига оиласига, ватанига ва юртдошларига яшаётган она ерига меҳр-окибатлиги юксак туйғусидир.

Олим, адиб ва арбоб Абдурауф Фитрат юрт учун қайғуриб, шундай дейди:

“Эй, улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Сенга не бўлди? Ҳолинг қалайдир? Нечук кунларга қолдинг?”

Дунёни “урҳо”лари билан титратган йўлбарс юракли болаларинг қани? Ер тупроғини кўкларга учиратуғон тоғ гавдали ўғлонларинг қани? Нечун товушлари чиқмайди?

Ер юзининг бир неча полвонлари бўлган туркларинг қани? Нечучекиндилар? Нечук кетдилар? Кураш майдонларин ўзгаларга нечун куйдилар? Нечун... Нечун... Нечун?

Гапир менга эй улуғ Турон, арслонлар ўлкаси ? Сенга не бўлди?

Ер юзасининг буюк салтанатлари сен кўрмадинми? Ҳиндистоннинг, Эроннинг, Оврупонинг улуғ ҳақонларини сен юбордингми? Эй ҳақонлар ўчоғи? Эй, қахрамонлар туғойи! Қани у чақмоқ чопишли ботир ҳоконларинг? Қани аввал кў юришли отли бекларинг? Қани у чақмоқ чопишли ботир ҳоконларинг? қани аввал ўқ юришли отли бекларинг? Нечук “урҳо”лари эшитилмайдур?

Дунё халқини бўйсунтирган салтанатларнинг нечук бузилди?

Инсонлик оламини қаноатлари остида олган ҳоқонлигинг нечук кучи ўлди? Кучингми кетди? Кимсасизми қолди?

Юк..., юк... Тангри ҳақи учун, йўк! Сен кучсиз эмассан! Бутун ер юзида 80 миллион боланг бор. Буларнинг томирларидаги қон Мангуберди, Темурларнинг қонидир!

Буларнинг кучлари сенинг кучингдир!

Эй, улуғ Турон, арслонлар ўлкаси! Қайғурма! Эски давлатинг, эски салтанатинг! эски йигитларинг, эски арслонларинг ҳаммаси бор, ҳеч бири юқолмасмишдир.

Ёлғиз... Оҳ, ёлғиз... таркалмишдир”.

Дарҳақиқат, бу сатирлар ёзилган 1917 йилнинг июл ойида шундай эди. Энди эса қадим Туроннинг марказий ҳудуди Туркистонда бешта мустақил давлат қад рослади. Бу кўҳна заминда яшаётган барча соф ниятли кишиларнинг тилаги шуки, мустақил давлатларимиз пойидор булсин, иншооллоҳ!

Келинг, Фитрат домланинг юрт қайғусини қилган бир ўзбек йигити тилидан ёзганларига кулок тутайлик:

“Ётсам тушумда, уйғонсам ёнимда, кўз юмсам миямда, кўз очсам қарашимда мунгли бир хаёл келиб турадур! Бу бир хотун хаёл... Бир хотунки, эғнида ипакли, лекин йиртиқ ва эски бир кўйлақдан бошка бир кийими юк. Бош оёқлари яланғоч, тирсақларигача қоп-қора лойга ботган, бақирувга товуши, кутулувга кучи колмаган!...

Карайман, кимсасизлик юкиндан орифланган танада золимона урилғон қамчиларнинг яраси бор. Кўраман: жоҳилона қилинган эмлардан носуға қайтган яраларидан қонлар оқиб турадур!

Эй, мунгли хотин, сен кимсан? Эй ғамли оно, нечук мундан айрилмасан? Ёнимда, кузимда, мийямда, юрагимда нима ахтарасан, нечук келмайсан? Қайғу тутунлари ичра ёғдусиз қолган кўзларининг ёш ёмғурлари нечук тукадур?

Зулм занжирлари билан боғланган қулларинг нечук ҳар ёнга узатиладур нима тилайсан? Оҳ... Билдим..." Билдим... Англадим...! Сен менинг Ватанимсан, Ватанимнинг муллий ҳаёлимсан. Эй мукаддас туронимнинг ҳаёли, кетмай тур, айрилма. Ёнимда, кўзларимда, юрагимда, виждонимда кол, кетма! Юртим туроним, сендан айрилмок-менинг улимим. Сенинг учун улмок-менинг тириклигимдир.

Паноҳим, саждагоҳим, умидим! Ётларинг сени шу кунгами солдилар! Тилагим, истагим, саодатим! Болаларинг сени шу ҳолдами куйдилар! Суйинчим, овунчим, учоғим! Золимлар сени кимсасизми курдилар!

Юк,сен кимсасиз эмассан. Мана мен, борлигим билан сенга кумак килурға ҳозир. Мана мен, чин кунгил билан сенинг юлингда улурға рози. Коф тоғлари юлимда тушса, тамуғ оловлари каршимда чикса, яна сен сари кетарман.

Устимга инсонлар эмас, шайтонлар кушиникелса, оёғимга занжирлар эмас, жаҳаннам илонлари солинса, яна сен сари чопарман. Дунёнинг бутун болалари темир тиконлари кузларимга кирса, яна сени куткараман.

Мен сенинг учун тирилдим, сенинг учун яшарман, сенинг учун улурман.

Эй туркликнинг мукаддас учоғи! Улим сенинг улимингни истаганларга, нафрат сени кумгани келганларга"

Буюк Фитратнинг 1917 йил август ойидаги бу ниятига фаришталар омин деган экан, биз кўмгани келганлар даф бўлишди. Лекин ҳамон узоқдан кутку солишдан, дағдаға тухтамаётирлар. Бу эса бизни ҳамиша хушёрликка мустакиллимизни мустаҳкамлашга чорлайди.

Абдурауф Фитратнинг Темур сағанаси қошида айтган ўтли сўзларини яна бир хотирласак, ҳам Соҳибкироннинг, ҳам шаҳид кетган муаллифнинг руҳи шод булса ажаб эмас:

«Бағрим ёник, юзим қора, кўнглим синик, бўйим букук. Сенинг зиёратингга кедим, Султоним! Эзилган бошим, қисилган виждоним, куйган қоним, ўртанган жоним учун бу сағангдан даво излаб келдим, Ҳоконим!

Юз йилдан бери жафо куриб, ғам чекиб келган туркнинг конли куз ёшларинг этакларингга тукарга келдим. Коронғулар ичра ёғдусиз қолган узбек кузлари учун тупроғингдан сурма олгани келдим. Номусини йод кишиларни оёқлари остида куриб, турклик кони кайнағай, мусулмонлик ҳамияти тошғай, тамуғ ловлари каби сачрағай. Лекин уз кучсизлигини англаб, кайтиб утирган ва кон йиғлаган туркнинг ҳолини арз этарга келдим, Ҳоконим!

Улуғ ҳоконим! Турклик шарафи таланди. Турк учун куйдиғик давлат битди, турк отиға курдиғик ҳоконлик ёғмага кетди. Туркнинг номуси, эътибори, имони, виждони, золимларнинг оёқлари остида қолди. Туркнинг юрти, улоғи, учоғи, Турони йод кулларга тушди. Туркнинг белгуси, онги, уйлови, зийраклиги жаҳолат улжасига кетди.

Сенинг камчинг билан дунё эгаси бўлган турк тинчгина ётоқ тополмай колди. Сенинг омонатингга ҳиёнат килганларни эе, ур, улдир!

Султоним! Билмадим, шу тобда сенинг у юксак ва улуғ руҳиятинг мен каби тубан руҳли ва ҳимматсиз бир боласининг шу ҳолига ғазабли кулиб турубдур. Биламан, шу чоғда сенинг тулкинли денгизларга ухшаган юрагинг мен каби юраксиз бир уғлингнинг шу куринишидан нафрат киладур. Чунки юкорида айтдигим ишларнинг ҳаммасига узим сабаб булдим, барчасини узим танладим, сенинг туркингни узим эздирдим, сенинг омонатларингга ҳиёнатни узим килдим.